

**“ГИДРОПРОЕКТ” АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2020 йил “27” марта
41-сонли баённомаси билан
“Тасдиқланган”**

**“GIDROPROEKT”акциядорлик жамияти
Ахборот сиёсати тўғрисидаги
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар
2. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари
3. Қонунчилик билан белгиланган тартибларда мажбурий ошкор этиладиган ахборотлар рўйхати, муддатлари ва ошкор этиш тартиблари
4. Кўшимча ахборотларни ошкор этиш рўйхатлари ва тартиби
5. Манфаатдор шахслар билан бошқарув органи аъзолари, лавозимдаги шахслар, акциядорлик жамияти ходимлари орасидаги ахборот алмашинуви тартиблари
6. Жамият ахборот сиёсатига мувофиқ назоратни таъминлаш бўйича чоралар
7. Якуний қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низоми Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014йилдаги № 176-сонли “Акциядорлик Жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 31.12.2013 йилдаги № 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларига, Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига (31.07.2012 йилдаги № 2383) ҳамда Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Акциядорлик Жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом мажбурий ошкорлик ҳисобланнилган ахборот ва хужжатлар рўйхатини аниқлаш, ҳамда “GIDROPROEKT”акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) ахборотни ошкор этишнинг тартиблари ва муддатларини тартибга солинишини таъминлайди.

2. Ахборот сиёсатининг мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг мукаммал иштирокчилари, ва бошқа манфаатдор шахслар (кейинги ўринларда манфаатдор шахслар)нинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида ишончли ахборот талабларини қондириш йўли билан Жамият фаолияти ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш ҳисобланади.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида ишончли ахборот олиш, уларнинг инвестицион ва бошқарув қарорларини қабул қилиш

учун муҳимлик ҳамда Жамият ҳақида маҳфий ахборотни муҳофаза қилиш хуқуқларини тўлиқ амалга оширишга йўналтирилган.

4. Тижорат сири маълумотига тегишли тартиблар, улардан фойдаланиш таърифлари ва шартлари Ўзбекистон Республикаси “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик қоидаларига мувофиқ белгиланади.

II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари – бу ахборот ресурсларидағи мунтазамлилик, самарадорлик, тўлиқлик, тенглик, мувозанатлик, хавфсизлик ҳисобланади.

6. **Мунтазамлилик тамойили** Жамият тўғрисидаги маълумотлар билан манфаатдор шахсларни Жамият томонидан мунтазамлик равишда тақдим этилишига йўналтирилган.

7. **Самарадорлик тамойили** Жамият томонидан қисқа вақт ичida Жамият молиявий-хўжалик фаолиятига ҳамда уларнинг манфаатларига таъсир кўрсатувчи муҳим фактлар ва тадбирлар билан манфаатдор шахсларни хабардор этишни билдиради.

8. **Ахборот мавжудлиги тамойили** остида Жамият ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилиш каналлари ва усулларини, манфаатдор шахсларнинг маълумотлар ошкоралигини эркин, нокулай ва танланмаган маълумотлар билан таъминлаш тушунилади.

9. **Тўлиқлик тамойили** Жамият томонидан барча манфатдор шахсларга Жамият фаолиятига мувофиқ маълумотларни, Жамият тўғрисидаги тўлиқ ҳажмда тақдим этиладиган ўзи ҳақидаги, Жамият фаолияти натижалари ҳақидаги салбий маълумотларни ошкор этишдан чекланмасликни билдиради.

10. **Тенглик тамойили** Жамият томонидан барча манфатдор шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларидан фойдаланиш ва олишда тенг хукуқда таъминланишини билдиради.

11. **Мувозанатлик тамойили** Жамиятнинг очиқлик ва ошкоралик ўртасидаги оқилона мувозанатга риоя қилишни ва тижорат манфаатлари билан таъминланишини билдиради. Бундаги мажбурий шартлар қўйидагилардан иборатдир:

- Махфий маълумот муҳофазаси;
- Белгиланган қонунчиликка ва Жамият ички ҳужжатларига асосан ахборот тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

12. Хавфсизлик тамойили қонун ҳужжатларида тасдиқланган усулларидан фойдаланиш ва тижорат сири ёки бошқа сирлар ёки махфий маълумотларни ташкил этувчи муҳофаза қилиш йўлларидан ва воситаларидан фойдаланиши тушунилади.

III. ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИBLARDA МАЖБУРИЙ ОШКОР ЭТИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, МУДДАТЛАРИ ВА ОШКОР ЭТИШ ТАРТИBLARI

13. Жамият Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014йилдаги № 176-сонли “Акциядорлик Жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 31.12.2013 йилдаги № 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини

ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарорларига, Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (31.07.2012 йилдаги № 2383) ва бошқа қонунчилик қоидаларига мувофиқ ҳажмларда, муддатларда ва усулларда мажбурий ошкор этиладиган маълумотларни ошкор этади.

14. Мажбурий ахборотни ошкор этилиши:

- Корпоратив ахборот Ягона портали (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органларининг расмий веб-сайти);
- Жамиятнинг корпоратив веб-сайти;
- Оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади.

15. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органларининг расмий веб-сайтида мажбурий ошкор этилишидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, қўйидагилар:

- қимматли қоғозлар Эмиссия рисоласи (қимматли қоғозларни оммавий жойлаштирган тақдирда);
- Жамият йиллик ҳисоботи, шунингдек Халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи;
- Биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ойлик якунлари бўйича Жамият ҳисоботлари;
- Жамият фаолиятидаги муҳим факт тўғрисидаги хабари.

Жамият юқорида кўрсатилган маълумотларни Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (31.07.2012 йилдаги № 2383)га мувофиқ муддатларда, тартибларда ва шакллари бўйича ошкор этади.

16. Фонд биржасининг биржа котировка рўйхатида Жамият қимматли қоғозлари киритилган ва (ёки) жойлаштирилган тақдирда, Жамият Биржа бюллетени тўғрисидаги Низоми талабларига асосан барча зарур маълумотларни ошкор этади.

17. Жамият расмий веб-сайти мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.07.2014йилдаги № 176-сонли “Акциядорлик Жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарорида белгиланган рўйхатларига мувофиқ ахборот ошкор этилишини таъминлайди.

18. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор этиладиган маълумотлар қўйидагилардан иборат:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар;
- Жамият манзили (почта манзили) ва электрон почта манзилининг ўзгарганлиги тўғрисидаги билдиришнома;
- Жамият акциядорларига акциялар ёки эмиссиявий қимматли қоғозлар сотиб олишида имтиёзли хуқуқлар таклифи;
- Жамият томонидан сотиб олинган акциялар тўғрисидаги маълумот;
- Жамият тугатилиши тўғрисида ҳамда унинг кредиторлари талабларининг тартиблари ва муддатлари тўғрисидаги аризалари.

IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ РЎЙХАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

19. Жамият расмий веб-сайтини такомиллаштириш мақсадида янги версияли давлат, рус ва инглиз тилларидаги веб-сайти билан таъминлайди.

20. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қўйидаги қўшимча ахборотларни ошкор этади:

- Корпоратив бошқарув Кодекси ва унга амал қилиш борасидаги тавсияларнинг мажбуриятларини қабул қилиш түғрисидаги ахборот;
- Ижроия қўмитаси түғрисидаги маълумотлар, шунингдек унинг Жамиятда бўладиган иш даври;
- Жамият Ижроия қўмитаси ва Корпоратив бошқарув тизими фаолияти самарадорлиги баҳосининг натижалари;
- Жамият акцияларининг 20 фоизидан ортиқ акцияларга эга акциядорлар түғрисидаги ахборот;
- Котировка акциялари бўйича маълумотнинг мавжудлигидаги ҳамда асосий ва техник таҳлили, фикрлар ва мутахассислар, эксперталар, маслаҳатчилар прогнозлари натижалари;
- Жамият бизнеси турлари бўйича капитал қийматининг аҳамияти ва бундай кўрсаткичларга асосланган ҳолда Жамият капиталининг ўртача қиймати;
- Хайрия (ҳомий) ёки қайтарилемайдиган ёрдам түғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва таъминлаш (олиш) шароитлари, тартиблари ҳамда Хайрия (ҳомий) ёки қайтарилемайдиган ёрдам кўрсатилган түғрисидаги ахборотлар.

Кузатув кенгаши ва Ижроия қўмитаси аъзоларига бериладиган мукофотлар ва компенсациялар микдори түғрисидаги маълумотлар “Кузатув кенгаши түғрисида”ги ва “Ижроия қўмитаси түғрисида”ги Низомларда акс эттирилади. Ҳамда Акциядорлар умумий йигилиши томонидан Жамият Ижроия қўмитаси аъзоларига бериладиган мукофотлар ва (ёки) компенсациялар чегаравий микдори тасдиқланилади.

21. Жамият, Жамият ва бошқа манбалар түғрисидаги ахборотларни ошкор этиш учун қонунчиликда белгиланган тартибларда ахборотларни ошкор этилишини таъминлайди.

V. МАНФААТДОР ШАХСЛАР БИЛАН БОШҚАРУВ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИ, ЛАВОЗИМДАГИ ШАХСЛАР, АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИ ОРАСИДАГИ АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ТАРТИБЛАРИ

22. Манфаатдор шахслар билан бошқарув орган аъзолари, лавозимдаги шахслар, Акциядорлик Жамияти ходимлари орасида ахборотлар алмашинувини амалга оширишда масъул ходим тайинланилади.

23. Манфаатдор шахслар ахборотларни олиш түғрисидаги ёзма (электрон) шаклдаги ва ушбу Низомда назарда тутилган талабларига биноан Жамият масъул ходими бир хафта ичida, агар қонунчиликда бошқа муддат кўрсатилмаган ҳолларда барча керакли ахборотларни электрон шаклда бериши зарур.

24. Ҳужжат нусхаларини зарур ҳолларда берилганда, манфаатдор шахс томонидан ҳужжат нусхаларини тайёрлашдаги харажатлар микдоридан ошмайдиган ва почта орқали жўнатиладиган харажатлар микдори билан боғлиқ тўловларини амалга оширади.

25. Акциядорлар Жамият ва унинг фаолияти түғрисидаги, расмий, тижорат ва бошқа хукуқ билан ҳимояланган ахборотларни ошкор этиш ҳукуқига эга эмас.

VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА МУВОФИҚ НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР

26. Мазкур Низомда белгиланган ахборотларни ошкор этишда ва оммавий ахборот воситаларида Жамият тўғридаги ахборотларни ошкор этилишида Жамият корпоратив

котиби (бўлганда) ёки акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизматининг масъул ходими, ҳисобчи ҳамда бу ваколатни тақдим этган шахслар жавобгар ҳисобланади.

Бошқа шахслар, Ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосаридан ташқари, Жамият номидан иш олиб бориш ҳуқуқига эга эмас.

27. Ахборотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва ўз вақтида ошкор этилишида Жамият Ижро органи раҳбари жавобгар ҳисобланади.

28. Жамият Кузатув кенгаши ҳар чорақда мазкур Низомнинг талабларини бажарилиши борасида Ижро органи ҳисботларини эшитади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

29. Мазкур Низом билан белгиланган ахборотлар ошкор этилишидаги аҳволи ва аниқлилиги учун Жамият Ижро органи жавобгар ҳисобланади.

Ахборотларни ўз вақтида, сифатли, аниқ ва тўлиқ ошкор этиш Ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш асосий мезонларидан ва уларга бериладиган мукофотлар (бонус) тўловининг шартларидан бири ҳисобланади.

30. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибларда жавобгар бўладилар.

31. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этган ёки ёпиқ овоз беришда иштирок этган аъзоларининг қўп сонли овозлари билан тасдиқланади.

32. Мазкур Низомдаги қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг оддий қўп сонли овоз бериши билан тасдиқланади.

33. Мазкур Низомнинг баъзи моддалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва норматив қоидаларига киритилган ўзгартиришлари натижасида зид бўлган тақдирда, бу моддалар ўз кучини йўқотади, Жамиятнинг мазкур Низомига ўзгартиришлар киритгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва норматив қоидаларига амал қиласи.